Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши
19 ДЕКАБРЬ 1967 й
СЕШАНБА
№ 294 (449)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ



Санобар Сафарова «Тошкент» совхозининг илғор сут соғувчиларидан-дир. Бу йил у ўзига бириктирилган 30 сигирнинг ҳар биридан пландан ташқари 350 килограммдан сут соғиб олди.

Суратда: С. Сафарова.

Д. Муҳсинов фотоси

Беш йиллик - муддатидан илгари

ҚАЛБ АМРИ

Заводимизнинг бошқарув биносига киришингиз биланоқ олранг байроққа нигоҳингиз тушади. Ҳа, дарвоқе, ҳаммага кўринарли жойга қўйилган бу байроқ замирида олам-олам мазмун ётади. Бу байроқ — коллективимиз аъзоларининг ҳалол меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Ҳамма қатори заводимиз ишчи-хизматчилари ҳам юбилей йилида яхши меҳнат қилишди. Зиммадаги топшириқларни бажариш, маҳсулот сифатига асосий эътиборни қаратиш, фойдаланилмаётган резервларни ишлаб чиқаришга жорий этган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш сингари бир қанча ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли улуғ байрам арафасида катта зафарларга эришдик. Тер тўкиб қилган меҳнатимиз эвазига корхонамиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва касаба союзлари республика Советининг Эсдалик байроғи билан тақдирланди. Бу юксак мукофот ҳар биримизнинг кучимизга куч қўшиб, янги-янги зафарлар қучишга илҳомлантиряпти.

Буни Октябрнинг 50 йиллик байрами нишонланган сўнг ўтган қисқа вақт ичида ишлаб чиқаришда эришган муваффақиятларимиз мисолида кўриш мумкин. Завод аҳли ялпи ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш 11 ойлик топшириғини муддатидан олдин адо этиб планга қўшимча 151 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Пландан ташқари тайёрланган 16 та дизель, 1 та вагон-уй капитал ремонтдан чиққан, 2 та экскаватор буюртмачиларга жўнатилди.

Корхонамиз шу йилнинг 1 июлидан бошлаб планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасида ишлаяпти. Очиғини айтиш керакки, янги система бизга анча қўл келди. Иқтисодий-техника кўрсаткичлари бир мунча яхшиланди. маҳсулотларни реализация қилиш 5 ойлик плани эса 106 процент бажарилди, шу муддат ичидаги жамғарма плани 121,3 процент адо этилди.

Ишлаб чиқаришда ана шундай кўрсаткичларга эришиб, юбилей йили топшириғини барвақт ўринлатиш учун курашаётган бир пайтимизда Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг бошлаган ватанпарварлик ташаббусидан хабардор бўлиб қолдик. Уларнинг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган бу ташаббуси бизларни ҳам руҳлантириб юборди. Ҳа, ҳамкасб дўстларимиз айтганидек: ишласак план топшириқларини бажарсак бўларкан. Бунга яқинда корхонамизнинг партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтганида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ички резервлардан, ҳом ашё ресурсларидан янада самаралироқ фойдалансак, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга эътиборни қаратсак, ишчиларимиз ҳақида, уларнинг меҳнати ва турмуш тўғрисида ғамхўрликни кучайтирсак юксак марраларни эгаллашимиз турган гап. Дилимиздаги ўй-фикрлар корхонамиз бўйича қабул қилинган социалистик мажбуриятларда ўз ифодасини топди. Бу аҳдномада 5 йиллик топшириқларини Улуғ Октябрнинг 53 йиллиги байрамигача адо этиш ва планга қўшимча бир неча юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш айтилади. Жумладан, 9 та экскаватор, 50 та дизель капитал ремонтдан чиқариладн. 10 та вагон-уй, 300 минг сўмлик ҳажмда эҳтиёт қисмлари ва узеллар, 361 минг сўмлик бошқа маҳсулотлар ҳам планга қўшимча тайёрланади. Шу йиллар ичида ишлаб чиқаришни технологик ускуналар ва асбоблар билан тўлиқроқ таъминлаш ҳамда ремонт базасини янада кенгайтириш мақсадида 1968 йили асбобсозлик корпуси фойдаланишга топширилади.

Ишлаб чиқаришга янгиликларни, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳар томонлама фойдалидир. Корхонамиз ижодкорлари беш йилликнинг учинчи йилидагина қимматли таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли 17 минг сўм давлат маблағини тежаб қолишга қарор қилишди.

Юқорида келтирилган ҳамма вазифа, режаларни бажариш аввало ишчиларимизга боғлиқ. Ана шунинг учун ҳам биз улар ҳақида тинмай ғамхўрлик қиляпмиз. Бу ғамхўрликни улар 1970 йилгача амалга оширилади-ган ишларда янада яққолроқ ҳис қилишади. Ишчи-хизматчиларимизга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳозирда ишлаб турган ошхонани реконструкция қилишга қаратилган янги техник-смета ҳужжатлари келаси йили ишлаб чиқилади, 1970 йилда қуриладиган 411 ўринли ётоқхона биноси ва 56 квартирали турар жой биноси меҳнатчиларимиз ихтиёрига берилади.

Биз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар коллективларининг ташаббуслари тўғрисидаги 1967 йил 24 ноябрь қарорини чуқур ўрганиб чиқдик. Қарордан руҳланган заводимиз меҳнатчилари юбилей йили топшириғини илгари кўзда тутилганидек 25 декабрда эмас, 22 декабргача бажариш, пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга, янги турдаги вагон-устахоналаридан декабрь ойининг ўзида 6 та тайёрлашга қарор қилдилар. Шу кунларда ана шунга яраша меҳнат қилинаётир.

Заводимизнинг қайси цех, бригада, участкасида бўлманг, ишчиларнинг ҳаммаси кўтаринки руҳда, юксак мақсадларни бажариш иштиёқида меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Ҳа, шу кунларда ишчиларимизнинг қалб амри беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этишга қаратилгандир.

Б. КРАЙЗ,
Экскаватор ремонти заводининг директори вазифасини бажарувчи.

В. КИРТОК,
Партия бюросининг секретари.

А. КОВАЛЕВСКИЙ,
Завод комитетининг раиси.

С. ЛЯМИЧЕВ,
план бўлимининг бошлиғи.

Ҳ. АКРОМОВ,
5- цех бошлиғи.

Н. ИСАМУҲАМЕДОВ,
дуралгорлар бригадасининг бошлиғи, шаҳар Советининг депутати.



Слесарь Нурмат Раҳимов Меҳнат Қизил Байроқ орденли ремонт-механика заводи мотор цехининг илғор ишчиларидан бири ҳисобланади. Ун йилдан буён мана шу корхонада ҳалол меҳнат қилиб келаётган Нурмат ака смена ва ойлик топшириқларини 140-150 процентгача адо этмоқда.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



Нишон Бобожонов шаҳримиздаги 8-«Авторемдеталь» заводининг пешқадам аккумуляторчиларидан бири. Бу меҳнатсевар ишчининг шу корхонада ишлаётганига 20 йилдан ошди. Н. Бобожонов корхонанинг бошқа пешқадам ишчилари каби ҳозир бўлгуси йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

М. Нуриддинов фотолари.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ ҒАЛАВА ҚИЛАДИ!

Кеча Округ офицерлар уйининг концерт залида пойтахт жамоатчилиги вакилларининг қардош Вьетнам халқи билан бирдамликка бағишланган митинги бўлиб ўтди. Митинг президиумига вьетнамлик журналистлар ва ВДРдан келиб Тошкентда ўқиётган студентларининг вакиллари бир оғиздан сайланди.

Митингни тинчликни сақлаш Ўзбекистон Комитетининг раиси ўртоқ Зоидов очди.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон Комитетининг раиси ўртоқ Саркисоқов ҳаяжонли нутқ сўзлади.

— Ўзбекистон меҳнаткашлари «Империалистлар Вьетнамдан чиқиб кетинг!» — демоқдалар дейди ўртоқ Саркисоқов.— Яшасин Вьетнам халқи!

Минбарга эксперимент-биология илмий текширши институтининг кичик илмий ходими ўртоқ Тўйчиева чиқади.

— Вьетнамлик биродарлар, биз сиз билан! Сизнинг одил ишингиз тантана қилажак!— дейди нотиқ.

Нотиқлар бирин-кетин минбарга чиқиб, ўзларининг интернационал бурчларига содиқ эканликлари ҳақида, ҳозир Америка империалистларининг янги жирканч авантюралари бошлаётган пайтда биз совет кишилари ва бутун прогрессив инсоният тинчликни сақлаш учун ўз сафларимизни янада мустаҳкамлаётганимиз тўғрисида гапирадилар. Улар Вьетнам халқининг эркни ва бахтини ҳимоя қилиб сўзлайдилар.

Яшасин Совет —Вьетнам дўстлиги!

«Вьетнам аёллари» журналининг редактори ўртоқ Нъи Хунь митингда жавоб нутқи сўзлади. У ўз халқининг қаҳрамонона ғалабалари ҳақида гапирганда залда гулдурос қарсаклар янграйди.

— Биз ўз эркимиз ва мустақиллигимиз учун курашни ғоя ҳам кескин давом эттирамиз, — дейди у. — Агрессорлар қутурган сайин ўз жиноятларини чуқурлаштираверадилар. Биз учун эркинликдан, озодликдан ҳам муқаддас иш йўқ. Империалистлар халқларининг миллий озодлик ҳаракатини ҳеч қачон тўхтата олмайдилар. Ҳар қандай йиртқичлик ҳам уларни мағлубиятдан асрай олмайди. Вьетнам халқи ғалаба қилади!

Митинг қатнашчилари тантанали равишда қардош Вьетнам халқи билан бирдамлик резолюциясини қабул қилдилар.

КЕНГ ИЗЛАР ТАРАДДУДИ

Куни кеча 1 ва 4-трамвай маршрутлари Навоий театри бекатидан Комсомол кўли бекатигача вақтинча тўхтатиб қўйилди. Бугун трамвайлар «ҳеч нарса кўрмагандек» яна қатнайбошлайди.

Шу йил йўлсозлар янги Ўзбекистон кўчасини очиб, кенг изли трамвайларнинг рельсларини ётқизишган эди. Фақат бу кенг изларни ўқиш бекатидан Навоий театригача давом эттириш қолган эди.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси 1 ва 2-дистанциясининг йўлсозлари бу масофадаги ишни жадаллаш билан бажардилар. 200 метрга бардошли пўлат рельслар ва мустаҳкам бетон шпаллар ётқизилди.

Янги йилдан бошлаб тез юрар трамвайлар тўғри Ўзбекистон кўчаси бўйлаб қатнайди. Бу йўлдан Чилонзорга ва Охунбобоев майдонига трамвайда тезроқ етиб бориш мумкин бўлади.

БРАЗИЛИЯДАН ҲИНДИСТОНГАЧА

Тошкент фармацевтика заводининг дорилармонларга чет эллардa ҳам талаб катта.

Корхонанинг кенжа мижози Польша Халқ Республикасидир. Бундан икки ой илгари корхонага бу мамлакатдан буюртма келган эди. Бугун эса шу буюртманинг сўнгги партияси тайёрлаб бўлинди. Корхонада чет эл мамлакатларининг буюртмасини бажариш йиллик планни ниҳоясига етди ҳисоб.

Тошкент маркази бо-силган дорилармонларнинг етиб борган энг узоқ жойи Жанубий Америкадаги Бразилиянинг шаҳар ва қишлоқларидир. Бундан буён Куба, Вьетнам, Туркия, Сурия, Эрон, Болгария, Камбоджа, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга. Бу мамлакатларга ҳам кўплаб зарур дорилармонлар юборилди.

6196 ТА «ЗАНГОРИ КЕМА»

Бугун чошгоҳгача «Ташсельмаш» заводининг бош конвейеридан «оқ олтин» денгизининг 10 та «шунқорн» туширилди. Корхона аҳли йил бошидан 6196 машина тайёрлаб чиқарди. Йил охиригача бу рақам 7 мингга етади.

Корхонага роса қирқ йил муқаддам Тошкентнинг Челдик турон деган жойида кичик бир устахона қурилиши билан асос солинди. Эндиликда у улкан забардаст корхонага айланди. У бундан буён яна кўпайиб, қуввати тўлишиб боради.

Корхона тарихида яратилган жамики машиналарни чўтга ташласак 40 мингдан ошиб кетади. Бу машиналар Ўзбекистон далаларида, қардошларимиз пахтазорида жавлон уряпти.



Қўйилиндаги уйсозлик комбинати уйсозларининг шаҳарчаси тез суръатлар билан бунёд этилмоқда. Бу ерда қисқа муддатда кўнгина турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар ва болалар муссасалари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Суратда: уйсозлар шаҳарчасининг кўриниши.

2300 ТА ПУРКАГИЧ

«Ташхимсельмаш» заводи машинасозлик корхоналари орасида энг кенжасидир. Бу корхона ишга тушганига уч-тўрт йилгина бўлди. Лекин у қисқа вақт ичида пахтакорларнинг ишончини қозонди. Корхонада тайёрланаётган пуркагич машиналар ғўза парваришида, айниқса қишлоқ хўжалиги зараркунандаларининг додини беришда жуда ҳам қўл келяпти.

Корхона аҳли бу йил 2500 та пуркагич машина тайёрлаб беришга аҳд қилган эди. Бугун ўнга яқин ишлаб чиқарилган пуркагич машинасозларнинг юзини ёруғ қилди. Шу кунга қадар 2300 та машина тайёр бўлди. Азаматлар йил охиригача қолган машиналарни ҳам ўз эгаларига етказиб беришга енг шимаришди. Корхонада «Октябрь 50 йиллиги» деган фахрли номни олган коллективлар бор. Шулардан бири Н. Козиревнинг бригадасидир. Бригада аъзолари топшириқларни ошириб бажариш билан ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Дўстлик рамзи

«МАЗ»да ТОҒЛАР, ДЕНГИЗ ВА САҲРОЛАР ОША 6 МИНГ КИЛОМЕТР, 14 КЕЧА-КУНДУЗ ЙЎЛ БОСИБ.

Тез кунда тошкентликлар Пушкин ва Хоразм кўчаларидаги хиёбонлар туташган жойда «Халқлар дўстлиги» обелискини кўрадилар. Бу улкан ёдгорликни Ереван қурувчилари икки халқ дўстлиги рамзи сифатида бунёд этмоқдалар.

Обелискнинг кенг пойдеворида тўрт метрли Т ҳарфи шаклидаги мармар устун қад кўтаради. Икки символик қўл мана шу устун ўртасидаги занглмас металлдан ишланган гулни кўтариб турган бўлади.

Бу обелискни Арманистон ССР Министрлар Советига қарашли 15-трест бошқарувчиси ўртоқ Мадоян таклиф қилган эди. Уни Ереван шаҳар ижроия комитети тасдиқлади. Ереван бадиий фонди ҳайкалтароши Грачик Иссакян ҳайкал макетини ишлади. Ҳозир Тошкентдаги ҳайкал қурилишига унинг ўзи бошчилик қиляпти.

— Бунда ҳеч бир ажабланарли гап йўқ-ку, ахир Тошкентга келган қурувчилар маълум оригинал безакларини қолдиряптилар.— дерсиз.

— Баҳслашмайман, балки шундайдир, Лекин мени қойил қолдирган нарса бошқа. 16 тонналик бу обелиск деталларга бўлиниб, махсус қутилган солинган ҳолда Каспий денгизи ортидан МАЗ-200 В машинасига ортиб келинди.

— Мен кўп йилдан бери машина ҳайдайман,—дейди Ереван уйсозлик комбинатининг шофери А. Аветисян. —лекин бу ишни бўйнимга олишга иккиланган бўлур эдим. Ашок Авакян билан Накопет Саакян деган шоферлар эса машаққатли йўлдан чўчимадилар. Улар қимматбаҳо юкнинг темир йўлда синиб қолишидан чўчиб, уни Еревандан Тошкентгача машинада олиб келдилар.

Улар аввалига Арманистон пойтахтидан Боқуга келишди. Каспий денгизидан паромда ўтиб, қардош халқлар символини 14 кеча-кундуз мобайнида Қорақум саҳроларидан юриб, олиб келдилар. Шундай қилиб улар 6 минг километрга яқин йўл босдилар.

Йўл ҳарчанд оғир бўлмасин, юкнинг бирор ери тирналмади ҳам. Яқинда жасур шоферлар яна машинада қайтиб кетишди.

Пойтахтимиз меҳмонлари

Польшалик режиссёр

Совет ва Польша дўстлик ва маданий алоқалари программасига биноан Иттифоқимизда польяк кино режиссёри Роберт Стандо меҳмон бўлиб юрибди. У Тошкентга ҳам келди. Меҳмонни Тошкент ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар студиясига таклиф қилишди. Пойтахтимиз киночилари ўз ҳамкасблари билан ижодий учрашув кечасини ўтказдилар.

Меҳмон ўзи билан учта ҳужжатли фильмини ҳам олиб келган бўлиб шулардан бири «Тўй» фильмидир. Бу фильмда икки ёшнинг никоҳ маросими акс эттирилган. Фильмда миллий одатларнинг барчаси бадиий бўёқларда қамраб олинган. Бундан ташқари «Мусобақадошлар», «Девор олдидагилар» деган фильмлари ҳам қизиқиш билан кўрилди.

Меҳмон сафар таассуротлари ҳақида бундай деди:

— Бизнинг маданий алоқаларимиз азалийдир. Иккинчи жаҳон уруши кўп кишиларимизни сарсон-саргардон қилди. Ижодкорларимиз совет халқидан ҳануз гача ҳурсанд бўлишади. Адольф Фербарт раҳбарлигидаги киночилар группаси Тошкентда ишлаган. Александр Форд группаси эса Ашхободда ижод қилиб «Урушаётган Польша» киножурналини чиқариб турган.

Урушдан кейин кўпгина кино санъаткорларимиз Москвада таълим олишди.

Бу ерда ўзбек ҳамкасблар билан бафуржа гаплашдик, уларнинг янги асарларини кўриб завқландим. Яхши картиналар яратишибди.

Роберт Стандо Москвада Ашхободда бўлди, навбатда Тбилиси, Ереван шаҳарларига боради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА НАМАНГАН ОБЛАСТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Фарғона водийсида халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришга раҳбарликни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон ССР составида Наманган области ташкил қилинсин ва область маркази Наманган шаҳрида бўлсин.

Наманган области составига Андижон областидан Наманган шаҳри, Задарё, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Янгиқўрғон районлари ва Фарғона областидан Поп районн киритилсин.

2. Меҳнаткашлар депутатлари Андижон ва Фарғона область Советларига Наманган области составидаги территорияларда жойлашган сайлов округларидан сайланган депутатлар янги ташкил этиладиган меҳнаткашлар депутатлари Наманган область Советининг депутатларидир, деб белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 18 декабрь,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

* * *

Наманган область партия активининг йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов янги ташкил қилинган областнинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш ҳамда ривожлантириш соҳасида партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди. (ЎзТАГ).

ТИНЧ МЕҲНАТ ПОСБОНЛАРИ

СОВЕТ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

Д. И. БОГОМОЛОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик Комитети раисининг ўринбосари

✦ ✦ ✦

ХАЛҚИМИЗ Коммунистик партия раҳбарлигида Совет ҳокимияти бошчилигида ўтган 50 йил давр мобайнида социализм ғолларининг улкан ҳаётий тантанасини исботлади. Революция ва Совет давлати душманларига қарши жаҳон аҳамиятига эга бўлган тарихий курашларда ҳам, коммунизм қуриш давридаги тинч ижодий меҳнатда ҳам ёрқин ғалабаларни қўлга киритди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг биринчи кунлариданоқ бизнинг мамлакатимизда эски жамият кучлари — помешчик ва капиталистлар, кулак ва диндорларга қарши кураш борасида совет социалистик тузуми барпо этилди.

Эксплуататор синфлар ўзларининг ҳукмронлик лавозимларини халқ қўлига бериб қўйишни истамас эдилар. Улар мамлакатда капиталистик тузумни қайта ўрнатиш учун ички ва ташқи террор уюштирдилар, советларга қарши агитация олиб бордилар ва граждалар урушини келтириб чиқардилар. Коммунистик партия Париж Коммунаси тажрибаларини назарга олиб, революция душманларига қарши кескин зарба беришга тайёр бўлиб турди, ишчи ва деҳқонларни Совет ҳокимиятини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишга чақирди. В. И. Ленин каби буюк доҳий ва устозининг ўзи бу ишга бош-қош бўлди.

Ички душманлар қаршилигининг кучайиши, империалистик давлатлар разведкасининг кўпорувчилик ҳаракатлари Коммунистик партия ва Совет давлати олдига мамлакатнинг давлат хавфсизлигини сақловчи мазмунан янги махсус орган ташкил этиш вазифасини қўйди. Ф. Э. Дзержинский В. И. Ленин кўрсатмасига амал қилиб, контрреволюция ва кўпорувчиликка қарши курашувчи комиссия яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди ва 1917 йил 7 (20) декабрь куни Халқ Комиссарлари Совети унинг докладини тингладн. Бу докладга биноан контрреволюция ва кўпорувчиликка қарши курашувчи Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. В. И. Ленининг таклифи билан большевиклар партияси Марказий Комитетининг аъзоси Ф. Э. Дзержинский ВЧКга бошлиқ қилиб тайинланди.

1918 йил 18 январь куни Туркистон Давлат хавфсизлик органлари бунёд этилди. Ф. Э. Дзержинскийдан келган телеграммага биноан Тошкент депутатлар Совети ҳузурида Тошкент шаҳри бўйича Фавқулодда Комиссия ташкил этилди. 1918 йил 5 октябрь куни эса Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советининг қўшма қарорига биноан Туркистон Фавқулодда жиноят қидирув комиссияси — республикадаги биринчи Давлат Хавфсизлик Марказий органи ташкил бўлди. Унинг составига Тошкент шаҳар Фавқулодда Комиссияси киритилди.

УША ИИЛЛАРИ Туркистонда синфий кураш кучайиб кетган эди. 1918 йили республикани душман қуршаб олди. Жанубдан инглислар, шимолдан эса атаман Дутов оқ казак каллакесарлари бостириб келарди. Собиқ мустамлакачилар маҳаллий бойфеодаллар билан келишиб олиб, актив ҳужумга ўтган эдилар. Тошкентга чет эллардан «ваколат» билан келган акс инқилобчилар контрреволюцион тўнтариш тайёрламоқда эдилар. Туркистонда империалистик давлатларнинг жосуслари иш олиб борар эди. Дипломатик алоқалар» савдо алоқалари замирида жосуслик ниятн яширинган эди.

Мана шундай мураккаб вазиятда Туркистон чекистларига Ф. Э. Дзержинский ҳамда Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси кўмак бериб турди. Яширин холатда ишлашни яхши билган большевиклар, ВЧК ходимлари Туркистонга юборилиб турди. Улар душманга қарши курашар, қора ниятларни фош қилар эдилар.

1918 йил февраль ойида мамлакатдаги синфий кураш кескинлашганлиги ва немис империалистлари ҳужумга ўтганлиги муносабати билан ВЧК ҳуқуқларини кенгайтириш масаласи кўрилди. 1918 йил 21 февраль куни Халқ Комиссарлари совети В. И. Ленин ёзган «Социалистик Ватан хавф остида» деган декретни қабул қилди. Бу декретга биноан Совет ҳокимияти органларига ва биринчи навбатда ВЧК га душман жосуслари, чайқовчилар, безорилар, контрреволюция тарғиботчилари ва бошқа жиноятчиларга қарши кескин курашиш ҳуқуқлари берилди. Декрет Давлат хавфсизлик органлари шонли ролини белгилаб берган биринчи ҳужжатлардан эди, 1918 йил ёзида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати контрреволюция, чайқовчилик ва темир йўлда рўй бераётган жиноятларга қарши курашиш вазифасини топширди. Шу пайтда Армияда ҳам Фавқулодда Комиссиялар ташкил этилган эди.

1918 йил октябрь ойида Туркистон ЧКси Советларга қарши бўлган «Туркистон хавфий ташкилоти» деган ташкилотни фош қилишга киришди. Бу ташкилот Англия разведкаси агенти чор Россиясининг генерали Жунковский томонидан ташкил этилган эди. Шундай қилиб, империалистларнинг Ўрта Осиёдаги разведкачиларга биринчи марта қаттиқ зарба берилди. 1918 йил ўрталарида Буюк Британиядан Тошкентга келган махсус жосус ташкилотнинг советларга қарши кўпорувчилик фаолияти ҳам барбод этилди. Жосуслар орасида машҳур разведка майори Бейли, капитан Блеккер ва Англиянинг Қашқардаги элчиси Маккартней ҳам бор эди.

ТОР-МОР этилган «Туркистон ҳарбий ташкилоти»нинг қолдиқлари 1918 йил декабрь ойида собиқ подшо офицерлари билан бирикиб олдилар. Бу пайтда айрим антисовет офицерлар Қизил Армия раҳбарлик лавозимларига суқилиб кириб олган эдилар. Бу группага Англия разведкасининг агенти собиқ подшо армияси полковниги Осипов бошчилик қиларди. У ўша пайтда республика ҳарбий комиссари эди. У «муваққат комитет» деб номланган ташкилотга бошчилик қилар эди. Осипов 1919 йил март-апрель ойларида нсён кўтаришни мўлжалларди. Туркистон ЧКси советларга қарши нсён тайёрланаётганидан хабар топди. Чекистлар Осипов атрофидаги бир қанча кишиларни қўлга туширдилар.

Муваққат комитет ишнинг пачаваси чиқишини пайқаб қолиб, исённи 1919 йил январь ўртасида кўтарди. Исёнчилар партия ва Совет раҳбарларидан 14 кишини тутиб олдилар ва Шумилов, Войтинцев, Першин, Фигельский, Качуринер ҳамда бошқаларни вахшийларча қатл қилдилар.

Тошкент большевиклари Осипов каллакесарларига қарши курашга кўтарилиб, 21 январь куни исённи тор-мор этдилар. Чекистлар Совет ҳокимияти ғалабаларини мустаҳкамлашда чексиз мардлик намуналарини кўрсатдилар. Шундай қилиб, улар меҳнаткашларнинг муҳаббат ва ҳурматини қозондилар.

ВЧК ўз революцион бурчини адо этар экан, ишчи деҳқонлар оммасига қаттиқ таянар, оммани контртив курашга сафарбар этар революцияга қарши акэди. 1919 йил июнь ойида чекистлар оқ гвардиячи ташкилотларнинг Кронштатдаги қўзғолонини тор-мор этдилар. Июнь ойида дала штабларида иш кўраётган советларга қарши офицерлик ташкилотларини фош қилдилар. Киев, Астрахань, Пенза, Херсон, Саратов шаҳарларидаги бундай ташкилотлар тор-мор этилди. Туркистон чекистлари шу йил ёзи ва баҳорида советларга қарши яширин иш олиб бораётган ташкилотларни фош этдилар.

Тинч нафасни ростлаш шароитида В. И. Ленин губерна Фавқулодда комиссияларининг IV конференциясида чекистларни хўжалик қийинчиликларини бартараф этишга чақирди. Чекистлар Совет ва партия ташкилотларининг топшириғини бажариб, чайқовчиликка қарши, юқумли касалликларга қарши кураш бошладилар. Улар ёқилғи тайёрлаш давлат топшириқларини бажаришда, транспортдаги пароканданкини йўқотишда актив иштирок этар эдилар.

ЧК органлари граждалар уруши ва Антанта интервенцияси даврида Марказий Комитет снёсий бюросининг қарорига биноан фронтда ва фронт орқасида ҳарбий объектлар ҳамда совет муассасаларини ҳимоя қилишда катта жонбозлик кўрсатдилар. Оқ гвардиячи ҳамда интервентлар устидан ғалаба қозонишда Қизил Армия бош вазифани ўтади. Лекин граждалар уруши фронтларида ЧК органларининг мамлакат ичкарисидаги жонбозлигисиз ғалаба қозониш мумкин эмас эди.

Мамлакатнинг тинч социалистик қурншга ўтиш даврида ҳам империалистик давлатлар Совет ҳокимиятини йўқотиш ниятидан воз кечмаган эдилар. Контрреволюционячилар Сибирда, Тамбовда, Украинада, Поволжьеда ва Ўрта Осиёда йирик исёнлар кўтардилар. 1920 йил ноябрь ойида Туркистон ЧКси «Норин фитнаси»ни тор-мор келтирди. Фитна иштирокчилари қишлоқ ва шаҳар акс инқилобчилари билан биргаликда Семеречье шаҳрида қўзғалон кўтармоқчи эдилар.

1921 йили Туркистон ЧКси ўз фаолиятини Англия разведкасига қарши қаратди. Туркистон чекистлари Закаспий областида жосуслик ташкилотини йўқотдилар. Шаҳар ва транспорт ЧКси биргаликда Чоржўй ва Полтаравдаги контрреволюцион фитналарни фош қилишди. Туркистон чекистлари Тошкент, Закаспий, Авлиёота (Жамбул) ва бошқа шаҳарлардаги ўнгсэер ташкилотларига зарба бердилар. Тошкент ва Верный (Олмаота) шаҳарларидаги яширин анархистлар террорчилик ташкилотларини йўқотдилар.

1922 йил февраль ойида Россия Федерацияси Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети чекистлар кунини нишонлашга қарор қилди. Ички ишлар халқ комитетида давлат снёсий бошқармаси ташкил этилди.

1922-1934 йилларда Ўзбекистон ВЧК—ГПУ ташкилотлари собиқ оқ офицерлар, ҳарбий амалдорлар ва республикада жойлашиб олган оқ гвардиячи қолдиқларини, шуннигдек кўплаб чет эл ташкилотларини фош қилдилар. Босмачи қўрбошилари коллективлаштириш даврида қизиб кетган синфий курашдан фойдаланиб, очиқ ҳужумга ўтдилар. 1926 йили тор-мор этилган Иброҳимбек шу пайтларда чет элда юрган Бухоро амири ёрдамида 1931 йили Ўрта Осиёга янги ҳужум бошлади. Иброҳимбек 4 мингга яқин босмачилар билан ҳужумга ўтди, Давлат хавфсизлик органлари ва Қизил Армия ҳарбий қисмларининг биргаликда ҳаракат қилишлари туфайли Иброҳимбек шайкаларига қаттиқ зарба берилди. Унинг ўзи эса, «қизил таёқлилар» отряди томонидан қўлга туширилди ва 1931 йили отиб ташланди. Носирхон тўра, Мадумар, Ерматмақсум каби қўрбошиларнинг қисмати ҳам шундай бўлди.

1934—1940 йилларда чекист ташкилотлари собиқ босмачи қўрбошиларининг Ўзбекистонда миллатчи элементлар фаолиятини кучайтираётган чет эл ташкилотларига қарши курашни кучайтириб юбордилар.

УЛУҒ Ватан уруши республикамиз чекистларн олдига кўплаб мураккаб ва жиддий вазифаларни қўйди. Ҳимоя аҳамиятига эга бўлган кўплаб корхоналар Ўзбекистонга кўчирилган эди. Республика территориясида Қизил Армия ҳарбий қисмлари жангга тайёрланарди. Озарбайжон пефти фақат Ўрта Осиё темир йўли орқалигина фронтга етказиб бериларди. Марказни Сталинград фронти билан боғлаб турувчи энг муҳим алоқа воситалари бизнинг республикамиздан ўтган эди. Фашист Германияси ва бизнинг «иттифоқчиларимиз» Ўзбекистонга бекорга қизиқмаган эдилар.

Давлат хавфсизлик органлари ана шундай шароитда асосий эътиборни немис-фашист агентурасига қарши қаратдилар ҳамда «иттифоқчилар» жосуслик фаолиятининг пайини қирқиб, фронтни муттасил таъминлаш учун шароит яратишга ҳаракат қилдилар.

Ҳозирги коммунистик қурилиш босқичида ишчи ва деҳқонлар иттифоқи, СССР халқлари дўстлиги янада мустаҳкамланди. Меҳнаткашлар Коммунистик партия атрофига метиндек маҳкам жипслашдилар. Совет давлати қудрати кучайди. Лекин жаҳонда социалистик системанинг мавжудлигини тан олишни ёқтирмайдиган империалистик кучлари бор экан Совет давлати мамлакат ҳимоя қудратини мустаҳкамлаш ва ҳарбий кучларни тайёр ҳолда тутишга мажбур.

Империалистлар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши уруш очиш режаларини ўйлар эканлар, ўз разведкачи кучларини ҳам актив ишга солмоқдалар. Улар Совет Иттифоқи ва бутун социализм лагерига қарши жосуслик ҳаракатини кучайтирмоқдалар.

АМЕРИКА разведкаси Совет давлатига қарши жосуслик ва кўпорувчилик ишларини айниқса активлаштирмоқда. АҚШ ҳукмрон доиралари СССРга қарши кўпорувчилик ҳаракатини давлат расмий сиёсати билан очиқдан-очиқ боғлаб олиб бормоқдалар.

КПСС XXIII съезди бизнинг синфий душманимиз — империализм социалистик жамият, унинг принципларн идеологиясига қарши кўпорувчилик ишларини олиб бораётганлигини таъкидлади.

Давлат хавфсизлик органлари империалистик разведкаларининг СССР га қарши қилаётган кўпорувчилик ишларини тор-мор келтирмоқда ва фош қилмоқда, Давлат хавфсизлик органлари ҳозирги шароитда чет эл разведкаси ҳаракатларининг олдини олмоқда. Давлат хавфсизлик органларимизнинг бу профилактик чоралари капиталистик мамлакатлар жазоловчи органларидан тубдан фарқ қилади.

Давлат хавфсизлик органларининг ходимлари халқ олдида. Коммунистик партия олдида турган ўз бурчларини чуқур англаб, Ленин таълимотларига амал қилиб, социализм душманларига қарши курашда тўплаган тажрибаларини ижодий тарзда такомиллаштирмоқдалар. Ўз фаолиятларини юксалтирмоқдалар. Улар Совет халқининг тинч яратувчилик меҳнатини империалистик кучларининг кўпорувчилик ҳаракатларидан сақлаш керак деб, Ленин берган кўрсатмага амал қилмоқдалар.

Давлат хавфсизлик органлари ҳозир ҳам илгаригидек Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг Совет давлати хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги топшириғини бажараётган снёсий ташкилотлардир. Коммунистик партия, буюк Ленин таълимини олган чекистлар коммунизм қурувчиларининг осойишта меҳнатини бундан кейин ҳам зийраклик билан кўриқлайверадилар.


Улар биринчилар эди



Яков ХРИСТОФОРОВИЧ ПЕТЕРС (1886—1938 йиллар), 1904 йилдан бери КПСС аъзоси, тажрибали революционер, Ф. Э. Дзержинскийнинг жанговар дўсти, ВЧК коллегиясининг ранс ўринбосари ва аъзоси бўлган.



Дўстмуҳаммад УСТАБОЕВ (1886—1964 йиллар), 1918 йилдан бери КПСС аъзоси, Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатишнинг актив иштирокчиларидан бўлган.



Ҳаққул ҲУСАНБОЕВ (1880—1947 йиллар), 1918 йилдан КПСС аъзоси, Туркистон ЧК коллегиясининг аъзоси бўлган. Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишнинг актив қатнашчиларидан бири эди.

Фёдор НИКИФОРОВИЧ ЖЕЛТИКОВ, 1884 йили туғилган, 1917 йилдан бери КПСС аъзоси. ВЧК—Узбекистон ОГПУ органларида 1919 йилдан 1934 йилгача ишлаган.



Абдулла НУЪМОНОВИЧ ВАЛИШЕВ, 1901 йилда туғилган, 1941 йилдан бери КПСС аъзоси. У Совет Армияси ва КГБ—ОГПУ органларида 1921 йилдан 1947 йилгача ишлаган.



Қосимхон ЗОКИРОВИЧ МУҲАМЕДОВ. 1896 йили туғилган, 1936 йилдан бери КПСС аъзоси, МВД—ОГПУ органларида 1923 йилдан 1937 йилгача ишлаган. Ҳозир пенсияда.



Александр МИХАЙЛОВИЧ ЖУРАВЛЕВ, 1901 йилда туғилган, 1944 йилдан бери КПСС аъзоси, ВЧК—КГБ органларида 1920 йилдан 1955 йилгача хизмат қилган.



Жасорат ҳикоялари

«Ўзбекистон» нашриёти Совет давлат хавфсизлик органларининг 50 йиллигига бағишлаб, қаҳрамон чекистларнинг шарафли ишлари ва жасоратлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳотиралар тўпламини босмадан чиқарди. Китоб «Чекистлар» деб аталади.

Тўпламга генерал-майор С. И. Киселев сўз боши ёзган. Китобга Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида контрреволюцион фитналар ва босмачи тўдаларига қарши актив курош олиб борган кекса чекистларнинг хотиралари киритилган. Китоб авторлари орасида биз Ф. Н. Желтиков, Н. К. Норейко, А. Журавлев, А. Н. Валишев, Д. Хамзабоев, К. Муҳамедов ва бошқаларнинг номларини учратамиз.

«Момоқалдирокда тобланганлар», «Ҳаёт саҳифалари», «Иккинчи Помир экспедицияси», «Революциянинг содиқ солдатн», «Махсус топшириқ», «ЧК терговчиси» каби хотира ҳикоялари Совет Туркистонининг шаҳар ва қишлоқларида империалистик давлатларнинг Ўрта Осиё территорияларида ўюштирган фитналарига қарши олиб борилган жанговар курашнинг қаҳрамонона кунлари акс этган. Бу китобдаги ҳар бир ҳикоя жасорат ва мардлик хотираси бўлибгина қолмай, революция ҳимоячиларига бўлган чексиз миннатдорлик туйғуларини уйғотади. Ҳар бир ҳикоя ҳеч ким, ҳеч нима унитилмаслигини кўрсатиб турибди.

Бу ажойиб китобдаги қайси бир ҳикояни ўқиманг, Ватанимизнинг содиқ фарзанди, коммунизм ғоялари тантанаси учун курашган совет чекистларининг сиймоси кўз ўнгингизда жонланади. Совет чекистларининг, революция ишини ҳимоя қилиш учун, халқ фаровонлиги учун ҳар дақиқада ўлим билан юзма-юз тура оладиган жасур чекистларнинг қаҳрамонлиги ҳозирги ёшларимизга намуна бўлиб хизмат қилади. Шубҳа йўққи, бу китобдаги образлар ўсиб келаётган авлодни жасорат руҳида тарбиялайди, йигит ва қизларимиз ўз ҳаётларида ана шу Совет чекистларидан намуна оладилар. «Ўзбекистон» нашриёти бу китобни чиқариб, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга катта ҳисса қўшган.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ 2 БЕТ

19 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.

АБДУВАЛИ СОБИРОВ. 1904 ЙИЛДА ТУҒИЛГАН. 1928 ЙИЛДАН БЕРИ КПСС АЪЗОСИ. ОГПУ ОРГАНЛАРИ ВА ЧЕГАРАЧИЛИК ХИЗМАТИДА 1922 ЙИЛДАН 1948 ЙИЛГАЧА ИШЛАГАН. ЗАПАСДАГИ ПОДПОЛКОВНИК.



Чекист хотиралари.

Совилмаган издан

Ҳар қандай уруш ҳам қанча давом этмасин, бир кунн тугайди. Фақат чекистлар билан чегарачилар олиб борадиган уруш муттасил давом этади. Чегарадаги ёки Давлат хавфсизлиги ходимининг хонасидаги осудалик атроф тинчлик эканидан дарак бермайди. Мана шу тинчлик остида, шафқатсиз, тўхтовсиз уруш давом этади. Душманларимиз томонидан бизга жосуслик, қўпорувчилик мақсадида юборилган кимсалар билан уруш боради.

1943 йил эди. Қаҳрамон Қизил Армия мана шу жанубий чегаралардан минглаб километр нарида гитлерчи босқинчиларини тормор келтираётган эди. Бизда-чи? Бу кун одатдаги кунлардан фарқ қилмас эди. Биз, чегара жангчилари инспекциясининг бир группа офицерлари чегара бўлинмаларидан келган материалларни текшириб ўтирардик. Бу жуда қизиқ материал эди. Унда чегарачиларнинг бир неча кундузлик фаолияти ёзилган, аммо ўн китобга достон бўларлик гаплар бор эди.

Хона ичидаги сукунатни қўнғироқ товуши бузди. У кетма-кет жаранглади. Шошилиб туриб, ҳужжатларни йиғиштирдим. Инспекция бошлиғи полковник Сикорский мени, яъни ўзининг старший ёрдамчисини чақираётган эди.

Кириб борганимда у харитани кўраётган экан.

— Мана бу участкани яхши биласизми,—деди у тоғлик ва катта дарё ўзанидаги текисликни кўрсатиб.

— Таниганда-чи. 1931 йили бу ерда мен чегара заставасининг бошлиғи эдим.

Бошлиқнинг бу саволи хотиралар қуюнига етаклаб кетди мени. Жанубий чегарада 20 йилдан ортиқроқ ишладим. Харита олдида турганча унга кўз ташладим. Мана бу ерда Фарғонада 1922 йили ёшгина йигитлик чоғимда Ушаков бригадасига қўшилиб, босмачиларни қувдим. Чекист Павел Михайлович Богомолов бошчилигида кўплаб босмачилар тўдасини тормор этишда қатнашдим. Мана бу участкада эса, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 18 йиллиги байрам қилинаётганида олий штаб вакили сифатида чегарани саклашни таъминлашда иштирок этдим. Эсимда, ўшанда снёсий бўлим бошлиғи менга шу яқин атрофдаги колхозда «Улуғ Октябрь байрами ҳақида» доклад қилиш вазифасини топширган эди. Докладдан кейин қизғин суҳбат бошланди. Колхозчилар Давлат чегараларини саклашда бизларга ёрдам беришларини айтдилар. Шу ердагилардан бири—балиқчи Оллоберган шундай деди:

—Бизнинг ерларда келгиндиниинг оёғи, қуш ўтса қаноти куяди.

Тўпланганлар Оллобергаиннинг сўзларини қувватладилар. Унинг дўсти балиқчи Касаткин эса шундай деди:

— Душман ҳар доим бизнинг байрамимизни бузишга ҳаракат қилади. Айни шунақа кунлари ҳушёрлигимизни текширб қўрмоқчи бўлади. Балки бу сафар ҳам уриниб кўрар. Қани, кўрамиз.

Оллоберган билан Касаткин чегарачиларга ёрдам бериш базасининг аъзолари, ёки ўша пайтда «базист»лар деб аталадиган кишилар эди. Бу, ҳозирги дружиначиларга ўхшаш гап.

Бизлар чегарага ярим кечада қайтдик. Уйқу келмасди. Колхозчилар билан ҳаяжонли учрашув ўтказганлигим, уларнинг чегарачиларни севиши кишини қувонтирарди. Бунинг устига чақирилмаган меҳмонлар келиб қолса, уларни «кутиб олиш» зарурати ҳам бор эди.

Тонг саҳарда навбатчининг буйруғини эшитиб қолдим:

— Застава, қуроллан!

Застава бошлиғи Стальной кабинетида кечаги балиқчи Касаткинни кўриб қолдим. Уст-бошн жиққа сув эди. У менга воқеани баён қилди.

— Уртоқ бошлиқ, биз пистолетлик нотаниш шахсни тутиб олдик.

— Сиз давлат чегарабузарини қўлга туширдингиз,—деди застава бошлиғи Стальной унинг сўзини бўлиб.

Шу пайт старший нарядчи Федорченко навбатчилик қилаётган участкадан ҳам хабар келди. Кимдир участкани бузиб ўтган. Чегарачилар номаълум шахсни қидиришга тушганлар.

— Оҳ—О! Каттагина операцияга ўхшайди-ку!

Тезда ўз ўрнимизга қайтдик. Федорченкога застава бошлиғи, балиқчиларга эса мен ўз группамдаги жангчилар билан ёрдамга шошилдим.

Биз балиқчилар чайласига етиб келганимизда тонг отган эди. Қарасам ерда бир йигит юз тубан ётибди. Унинг тепасида Оллоберган тўппонча ўқталиб турибди.

Кейинчалик маълум бўлишича Касаткин билан Оллоберган тантанали мажлисдан кейин чайлада ётиб қолиб, тонг саҳардан балиқ овламоқчи бўлишибди. Сув камайиб қолган, шунинг учун ҳам балиқларни асраб қолиш керак эди.

Ярим кечада уларнинг чайласига нотаниш шахс кириб келган ва тўппончасини кўрсатиб, ўзига чегаранинг хавфсиз йўлини кўрсатиб қўйишни, дарёдан ўтказишни талаб қилиб балиқчиларга катта пул ваъда қилган.

Балиқчилар ўзларини роэи бўлган киши қилиб кўрсатганлар. Аммо чайладан чиқиш биланоқ бараварига унга ташланганлар. Улар бир уриб, душманнинг қўлидан пистолетни туширишган. Олишув қизиб кетган. Душман кучли ва тажрибали экан. Ниҳоят улар рақибнинг оёқ-қўлини боғлашган. Касаткин чегарага югурган. Оллоберган эса, «ўлжа»ни қўриқлаб қолган.

Оллоберган олти ўқли чет эл пистолетини менга узатаркан, қизариб-бўзариб ҳеч қачон қўлига тўппонча ушламаганини, мабодо отиш керак бўлса ҳам қандай отиш кераклигини билмаслигини айтди.

Тезда иккинчи жиноятчи ҳам қўлга тушди. Чет элликлар ўйлаган режа чиндан ҳам катта экан.

... Хуллас, ҳозир полковник нўрсатиб турган чегара участкасини мен яхши билар эдим. Бу ердаги Касаткин ва Оллоберган сингари чегарачиларга доимо ёрдам берадиган ажойиб совет кишиларини танирдим.

— Мана шу районда бир тўда қуролли чегарабузарлар тоғлар орасига яширинб олишибди,—деб давом этди полковник Сикорский.—Биз уларни қўлга туширишимиз ёки яқсон қилишимиз керак. Шундай буйруқ бор. Отлаииш учун бир соат муддат бераман. Аэродромда кўришамиз.

Уруш бошиданоқ душманлар Ўрта Осиёга жуда қизиқиб қолган эдилар. Чунки Ғарбдан кўчирилган саноат, ҳимоя қуролларн заводлари, илмий-текшириш муассасалари бизнинг республикамизда жойлашган, Ўрта Осиё ғнтлерчилар Германиясини тор-мор келтиришнинг муҳим замини бўлиб қолган эди. Энди душманлар ғарбдан иш чиқара олмагач, шарқдан суқилиб кира бошлаган эдилар.

Икки соатдан сўнг чегара аэродромига келиб тушдик ва душман тўдасини тор-мор этиш операциясини бошлашга киришдик. Партия ташкилотлари, Совет муассасалари, Токарев бошчилигидаги маҳаллий хавфсизлик органлари бизга актив ёрдам бердилар. Район партия комитети бюросининг қарорига биноан райсовет ижрокомининг раиси Бобоносиров ҳам бизга ёрдам бериши керак эди.

Полковник Сикорский операция планини тузиб чиқиб, унга бошчилик қилишни менга топширди. Мен аввалига бироз шошилиб қолдим. Аммо тажрибали чекист Токарев мени тинчлантирди.

А. СОБИРОВ.

(Давоми бор.)

Фаровонлик далили

Истеъдод эгаси

Улкан анжуман

Фақат аёллар учун

Дидингга балли

Хушфеъл мезбонлар

Латофат эгаси

Болаларимиз ҳақида



Бугун республика хотин-қизларининг 4-съезди очилди. А. Навоий номли катта театр биносида кийинib-ясаниб, савлат тўкиб юрган қиз-жувонларни ранг-баранг очилган гулларга қиёсласангиз бўлади.

Улар орасида катта хизмат қилиб эл-халққа танилган, ҳозирги пайтда шахсий пенсионер, ўзбек хотин-қизлари орасидан етишган биринчи профессор Зулфия Умидова, доҳий Ленинни кўрган, хотин-қизлар озодлиги учун курашган Шамсиқамар Ғойибжоновага ўхшаш энг кексалар ва «Қизил тонг» фирмасининг директори С. У. Султоновага, вагон депосида ишлайдиган Л. Алимбековага ўхшаш ёш хотин-қизлар, областлардан келган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Оғуғова, С. Ғулаҳмедова ва шуларга ўхшаш кўплаб қаҳрамон аёлларимизни кўриш мумкин.

Съезд ўз ишини эртага ҳам давом эттиради. Делегатлар учун махсус сайллар, экскурсиялар уюштирилади. Улар Тошкент трикотаж фирмасида, Чинни заводида, «Октябрь революцияси» номли заводда, «Ўзбекфильм» киностудиясида, «Ташсельмаш», «Ташавтомаш» заводлари ва яна кўпгина жойларда бўлишади.

ОНАЛАР ЭЪТИБОРИГА

Болаларни доим бир пайтда уйқуга ётқизинг. Мактабгача ёшдаги болалар кечқурун соат 8 да, қуйи синф ўқувчилари эса 8.30 минутда уйқуга ётганлари маъқул. Бу нарса ҳеч қандай сабаб билан ҳам бузилмаслиги керак. Байрам кунлари бўлса ҳам, меҳмонлар келган бўлса ҳам, ҳатто тўй бўлаётганда ҳам болалар бир пайтнинг ўзида уйқуга ётқизилиши зарур.

* * *

Кўпинча ота-оналар болаларига уйда катталар бўлмаганда ўзларини қандай тутишлари кераклиги ҳақида етарли маслаҳат бермаганларидан кўнгилсиз воқеалар содир бўлиб туради. Шундай бўлмаслиги учун ҳар бирингиз кичкинтойга уйда бирдан ёнғин кўтарилганда нима қилиш кераклигини яхшилаб тушунтиринг.

Яна болалардан бирортаси йиқилиб тушиб у ер, бу ери лат еса нима қилиш кераклигини ҳам уқдиринг. Куйиб қолганда нима қилиш кераклигини ҳам ҳамма болалар билмаса керак.

Нимадир бўлиб бола йўқолиб қолса, нима қилиш керак? Ўзини йўқотиб, қўрқиб, йиғлашнинг нотўғрилигини, йўқолганини ҳис қилса тегишли одамга мурожаат этиши кераклигини тушунтиринг.



Болани уч-тўрт ёшлигида ўз исми ва фамилиясини яхши талаффуз этишга ўргатинг. Шунингдек, бола ҳеч бўлмаганда яшаб турган кўчасининг номини айта оладиган бўлсин.

* * *

Бола дарсларини ҳар куни бир пайтда тайёрласа, тезроқ ўзлаштирадиган бўлади. Катталар унинг энгашмасдан, тўғри ўтиришини назорат қилиб тўришлари лозим. Оёқлари ҳам тўғри туриши керак. Дарс тайёрланадиган стол жуда баланд бўлса, унинг ўтирадиган жойига нарса қўйиш ва оёғининг тагига ҳам нарса қўйиш керак.

Ёруғлик албатта чап томондан тушиши шарт. Бўлмаса, қўлнинг сояси ёруғликни тўсиб, кўз тез толиқадиган бўлади.

Кўпинча ота-оналар бола дарс тайёрлаб ўтирганда хўжалик бўйича у-бу юмушни буюришади. Бундай қилиш нотўғри. Негаки, боланинг диққати бўлиниб, дарсни пухта ўзлаштиришига путур етади.

* * *

Болалар киядиган оёқ кийими, улар оёғига жуда лойиқ бўлиши лозим. Оёқ кийими сиқса, қон томирларини шикастлаб қўйиши мумкин. Шунингдек, бу нарса оёқни терлатади ҳам. Яна товоннинг ривожига ҳам путур етиши мумкин. Бундан ташқари, оёқ кийими сиқса, оёқ совуқ қотади.

Болалар чарм ботинкаларни иссиқ пайпоқ билан кийганлари маъқул. Оёқ кийими оёқни иссиқроқ тутиши учун унинг тагига намат ва шунга ўхшаш иссиқроқ нарса солиб қўйган маъқул.

ОМОНАТНИ ЭҲТИЁТЛАЙМИЗ

Визнинг интервью

Узбекистон ССР омонат кассалар ва давлат кредити бошқармасининг бошлиғи, республикамиз хотин-қизларининг IV съезди делегати Салтанат Отабекова билан суҳбат.

— Республикамиз д а ҳаммаси бўлиб 2278 омонат касса бор. Шулар билан ишлаймиз. Уч процентли давлат заёми, пул-буюм лотереяси сотамиз. Халқ жамғармасини сақлаймиз.

— **Омонатчилар ҳам кўпдир!**

— Ҳа. Етарли. Бир миллион 500 минг киши омонатчи. Мўл-кўлчилик, ҳаётимиз фаровонлигининг бундан ҳам ёрқин-роқ далили бўлмаса керак. Ишимиз жуда қизиқарли. Айниқса пул-буюм лотереясида катта-катта буюмлар ютган одамларнинг қувончини кўриб, одам ҳаяжонини яшира олмайди.

Масалан Тошкентнинг ўзида Октябрь районида истиқомат қиладиган Муҳаббат Маҳкамовага «М63-У» маркали коляскали мотоцикл ютуғи чиқди.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида яшовчи Лина Ким ютуғига пианино чиқди.

— Жамоат ишларида ҳам қатнашсангиз керак.

— Албатта. Шаҳар партия комитетининг аъзосиман. Кейин шаҳар ҳамда область хотин-қизлар совети аъзосиман. Куйбишев районида халқ контроли аъзосиман.

— **Хотин-қизлар орасида қандай ишлар олиб борилаётганини қисқача айтиб бера оласизми?**

— Бемалол. Қилган ишларимизнинг энг эсда қоладигани ҳаётидан бирор тўнғич фарзанд оналарининг кўзи ёришини тантанали равишда нишонлаш, кумуш ва олтин тўйлар ўтказишни оммалаштиришимиз ва р. Кейин маҳаллаларда донгдор аёллар, таниқли кишилар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб турниш ҳам хотин-қизларимизда жуда яхши таассурот қолдиряпти. Қиз-жувонларимиз оғир, савиясини ошириш, уйда бекиш ўтириб қолмасликлари, ўқиш ва меҳнатда, жамоат ишларида актив қатнашишлари учун ҳаракат қиляпмиз.

ШАРАФЛИ КАСБ

Мухбиримиз Киров районидаги 1-қурилиш бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи, Ўзбекистон хотин-қизларининг 4-съезди делегати ЗИНАИДА ФЕДОРОВНА ВОЛКОВА билан суҳбатлашди.

— Қурувчи бўлиш айтганимиздай шарафли иш. Биз ҳозир асосан уй-жойларни ремонт қилиш билан шуғулланяпмиз. Бригадамда 10 киши ишлайди. Суваш, оқлаш ишларини бажарамиз.

— Шу соҳада анчадан бери ишлаяпсизми?

— Яқинда 10 йил бўлади. Дастлаб оддий ишчи бўлиб кирган эдим. Аста-секин қурилишдаги анча-мунча жараёнларни ўрганиб қолдим. Энди бригадирман. Ҳалол, виждонан ишлаш керак. Бизнинг ишимиз шуни талаб этади. Сиздан келйн бировнинг кўнгли ранжимасин. Шиоримиз шу. Бригада аъзоларимиз бири-биридан пок одамлар. Жуда иноқ ишлаймиз. Ҳали шу пайтгача бирорта шикоят тушган эмас устимиздан. Биз қурувчилар учун бу катта шараф.

— Мақтовлар ёғилаётгандир бўлмаса.

— Фахрий ёрлиқларимиз анчагина. «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирлашди. Бундан буён ҳам қурувчи номига гард юқтирмаслик учун курашамиз.



САНЪАТКОР ОНАХОН



Ҳамро опа эса ўз ҳунарини иккита ўғлига эстафета тарзида ўтказгандай бўляпти. Ҳамро опанинг иккки ўғли ҳам мана шу ҳунарга меҳр қўйишган.

Убаликлар яратган афсонавий ҳайвонлар, парандалар ўз гўзаллиги, нафислиги билан, ишланишдаги ноёзик маҳорат билан ҳамманинг диққатини қамраяпти. Бу ишлар халқ ижодининг ўлмас намунаси сифатида қимматлидир.

Бесўнақай ҳайвончалар олачипор киймида жуда кўп эртаклар, афсоналарни эсимизга солади.

Бундан саккиз аср муқаддам пайдо бўлган лой ўйинчоқ—ҳуштак эса ҳозир ҳам Уба ва Ғиждуван осмонини ёқимли овози билан баралла янгратяпти.

Бу моҳирона ишланаётган ажойиб ўйинчоқларни болалар ниҳоятда севишади. Баъзи хонадонлар эса зийнат асбоби сифатида столларга авайлаб қўйиб қўйишади. Ҳамро Раҳимованинг лой ўйинчоқлари дилга роҳат бахш этади. Томошабинни гўзаллик дунёсига олиб киради.

О. АПУХТИН,
расмлар авторники.





БИЛАСИЗМИ?

Одамнинг сочи ойда ўрта ҳисобда 1-1,2 сантиметр, бир йилда эса 12-15 сантиметр ўсади.

Кунига қирқ—эллик соч толасининг тўкилиши табиий бир ҳолдир. Баҳор ва кузда бу миқдордан кўпроқ тўкилади. Лекин бунга ачинилмаса ҳам бўлади. Чунки яна шунча миқдорда ўсади ҳам.

* * *

Шерсть кийим ғижим бўлса, уни албатта дазмоллаш шарт эмас. Қайноқ сув солинган идиш тепасига ёғочга илиб осиб қўйилса, буғ ғижимини бир пасда ёзади.

* * *

Трикотаж кийимнинг ранги кетадиган, айнийдиган бўлса, уни ювишдан олдин уксус солинган совуқ сувда ҳўллаб олиш керак.

* * *

Кир қайнатадиган идишингиздаги сувга пича атир совун ташласангиз, ювилган кирларингиздан ҳуш ҳид анқиб турадиган бўлади.



Сулувлик, меҳрибонлик, нафислик, назокат тимсоли бу аёлнинг латофатли чеҳрасига қараб, аёлларимиз шаънига мадҳ куйлагингиз келади.

Рассомлардан Г. Ткачев ва Ф. Кагаровларнинг «Тарихий ёдгорликларни авайланг!» плакатлари «Совет плакатининг 50 йиллиги» Бутуниттифоқ кўргазмасида ҳамда «Социалистик Узбекистон» кўргазмасида томошабин диққатига сазовор бўлган.

СУРАТДА: «Тарихий ёдгорликларни авайланг» плакати.

Менинг совғам

Бугун хотинимнинг туғилган куни. Аксига олиб ишдан жуда кеч бўшадим. Нима совға олсам экан. Магазинга кирдим. Қарасам бир хотин ёғочдан чиройли қилиб ишланган марженни кўряпти. Шундан биттасини олдим-у, уйга жўнадим. Хотинимни табриклаб, унга совғамни тутқаздим.

— Буни олганинг учун сотувчи сенга лоақал раҳмат айтдими?—деди хотиним лабини буриб.

— Ҳа, сотувчиси жуда хушмуомала экан,—дедим.

— Бу тарашани сендан бошқа ким ҳам оларди. Чанг босганича ётаверарди. Менга марженсотиб олмоқчи экансан. сочимизим кечқурун киядиган кўйлагимнинг рангига мослаб олмайсанми? Буни ўзинг тақа қолсанг ҳам бўлади,—хотиним шундай деб марженни диван устига улоқтириб юборди.

— Майли, сенга ёқмаган бўлса 5-қаватдаги қўшнимизга олиб чиқиб берақолай. Навбатда турган эди. унга етмади.

— Нима, одамлар навбатда туриб олишдими?



— Бўлмасачи!

— Қани, қани менга берчи,—хотиним қўлимдан тортиб олди марженни,—тўғри, гапингда жон бор. Қаерники экан ўзи?

Мен унинг қоғозини яширишга улгурган эдим.

— Чехословакияда ишланган экан. СССР га выставкага олиб келинган экан. Қайтиб олиб кетмай шу ерда сотишмоқчи бўлишган экан.

Хотиним марженни тақиб ойнага қарай бошлади.

— О.. Қара. менга жуда ҳам ярашади. Қани чироқни ёқчи. Хотин-қизлар безаги тўғрисида ҳеч нарса тушунмайсан деган гапимни қайтариб олдим. Умринг бино бўлиб, кўнглимдагини энди топибсан-а. Кел. шунинг учун бир эркалаб қўяй.

ШИНГИЛ ГАПЛАР



Ҳар бирингиз ҳам эгнингизга кийган кийимингиз ўзингизга ёпишиб туриши ярашишини истайсиз, шундай эмасми?

Буни қилиш осон. Гавда тузилишингизни яхши билиб, шунга етарли эътибор берсангиз ҳамма нарса қўнглингиздагидай бўлаверади.

Масалан, баъзи аёлларнинг бўйинлари ниҳоятда узун ва ингичка бўлади. Гарчанд чиройли бўлса ҳам бўйни бироз бекитиш даркор. Бўйни узун қизжувонлар ёқаси катта ўйилган кўйлак киймасликлари, аксинча ёқаси берк либослар кийишлари лозим. Нафис шарф тутишлари мумкин. Шунингдек тик ёқали кўйлак килиш, галстук тақиш ҳам ярашади. Спорт кийимини ёқтирадиганлар баланд ёқали полувер кийишлари мумкин.

* * *

Бўйнингиз калта ва семиз бўлса, ёқаси елкагача ўйилган кўйлакларни кия кўрманг. Яхшиси ёқаси тор ва найзадек учли, узунасига ўйилган кўйлаклар кийинг.

* * *

Баданининг юқори қисми ортиқча семиз бўлса. принцесса бичимидаги кўйлаклар ярашади. Пас томонга кенгайиб борадиган кўйлаклар семизликни бекитади.

* * *

Новча бўйли аёллар кокеткали кўйлак кийганлари маъқул. Кўкраги кокеткали калтароқ, тўғри ёки қуйи томони бироз кенгайтирилган кўйлак одамнинг бўйини бир қадар паст кўрсатади.

* * *

Юқорида айтилган маслаҳатларга амал қилинса модага ҳам монанд бўлади. Чунки ҳозирги пайтда кийимларнинг ёқаси тик, баъзи ёқалар ўймасига жимжимадор хошиялар тутилиши мода дадир. Спорт кийимлари ҳар кунги либослар ва тантана учун кийиладиган кийимларда ҳам бу хил ёқалар қўл келади.

ДОНОЙ МАСЛАҲАТИ

Ю М О Р

— Инсон бир йил мобайнида уч килограмм туз истеъмол қилиши керак экан, — деди ёшгина аёл умр йўлдошига овқат бераturиб.

Овқатни ича бошлаган эр хотинига қараб:

— —Тўғри, айтасан, азизим, албатта уни бир йилга тақсимлаш керак бўлади.—деди,—лекин битта пиширганда уч кило тузнинг ярмини солинглар дейишмагандирку.

* * *

Беш ёшли Тўлқинжон касалхонага ётаётганда онасига тайинлади:

— Жон ойижон, сиз дўхтирларга айтиб қўйинг, яна менга ҳам сизга беришгандака йиғлоқи чақалоқ обкелиб беришмасин. Ундан кўра менга жажжи айиқча беришсин.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ДЎСТЛИК

Мактабимиздаги комсомол штаби интернационал дўстлик клубига раҳбарлик қилади. Бу клубнинг аъзолари мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги ўқувчилар билан хат ёзишиб туришади. Клубда 15 та республика ҳаётига бағишланган альбомлар, маҳсус стендлар бор. «Дўстлар совғаси ва хатлар» бурчаги мавжуд. Мактабимиз иттифоқдош республикалардаги 20 мактаб билан узвий алоқа боғлаган. Ҳар йили традицион учрашув ўтказилади. Дастлаб ўқувчиларимиз Украинадаги Чернигов шаҳрига бориб, Арманистон, Белоруссия, Литва ва бошқа жойлардан келган болалар билан учрашдилар.

Яқинда бундай учрашув Белоруссиядаги Гомель шаҳрида бўлди. Интернационал дўстлик фестивалига аввалги йиғилишимиздаги дўстларнинг ҳаммалари келишди...

Гомелликлар бизни ва бошқа меҳмонларни жуда яхши кутиб олишди. Шаҳар марказидаги биз тўхталган 10-мактаб ўзлаштириш жиҳатидан шаҳарда биринчи ўринда турар экан. Биринчи куниёқ биз дўстларнинг илиқ меҳрини ҳис этдик.

Бу учрашувга яхши тайёргарлик кўрилгани мезбонларнинг ҳар бир ҳаракатидан маълум эди... Биз шаҳар айланар эканмиз қаҳрамонлар ёдгорликларини зиёрат қилдик...

Энг яхши шеър ўқиш учун кеча уюштирилиб, унда Ленин ҳақида, Ватан ва меҳнат темаси ҳақида шеърлар ўқилди. Мактабимиз ўқувчиларидан Шарапова, Дадахонова, Азимова кабилар шеърни ифодали ўқиганлари учун мукофотландилар. 8-синф ўқувчиси Малика Салимжонованинг ўзбекча ва хоразмча тушган рақслари қардошларга ниҳоятда манзур бўлди.

Биз бу ерда пионерлар саройида бўлдик. Шаҳар айланишдик.

Хайрлашув кечасида фестиваль қатнашчилари ўзаро туҳфалар алмашишди. Делегация бошлиқлари, мактаб директори, ўқувчилар сўзга чиқишди.

Кетаётганимизда гомеллик ота-оналар ўз фарзандларини кузатаётганден йўлнимизга чиқиб хайрлашиб қолишди.

Қайтаётиб, Минск шаҳрида ҳам бўлдик. Москвани ҳам кўрдик, бу ерларда кўпгина тарихий жойларни томоша қилдик.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади. Шу жуда тўғри экан. Дўстлар диёрида улар меҳрини ўз диллари билан ҳис қилган ўқувчиларга интернационал дўстликнинг моҳияти ҳақида ортиқча уқтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Энди Бутуниттифоқ фестивалига бизнинг мактабимиз тайёрланяпти. Чунки эстафета сергуёш Тошкентимизга берилган.

Бизда ўтказиладиган фестиваль доҳимиз Ленининг туғилганига 100 йил тўлишига бағишланади. Биз дўстларни кутиб олиш тараддудини бошлаб юбордик.

С. А. ХУЖАЕВА,
20-мактабнинг директор ўринбосари.



ИКИР-ЧИКИРЛАР

Сочингизни ҳафтада бир марта ювганингиз маъқул. Қуруқ сочнинг парвариши бироз қийинроқ бўлади. Бундай сочни ювишдан олдин, бошга ўсимлик ёғи суриб, бир соат турилади. Сўнгра яхшилаб ювилгач, чайётганингизда сувингизга бир ош қошиқда уксус солиб юборинг. Сочни совун кўпигида, ёмғир сувида ёки қайнаган сувда ювганингиз маъқул.

* * *

Аёл киши ҳаётда жуда кўп икир-чикир, майда-чуйда ишлар билан ўралашаверганидан баъзида сал нарсага аччиғи чиқадиган бўлади. Бу ҳолат баъзида жуда хунук кўриниб, одам хижолатда қолади. Бундай бўлмаслиги учун осон бир йўл бор. Бу ҳамманинг қўлидан келади. Аччигингиз келгани заҳоти бир неча марта чуқур нафас олинг.

Нафасни чуқур олинганда, организм кислородни кўпроқ олиб, у нерв тўқималарига кўп миқдорда етиб боради. Диққатингиз бўлиниши, ва нерв системангизнинг тўйиб озиқланиши сизга ижобий таъсир этиб, жаҳлингиздан тезда тушақоласиз.

Тошкент оқшоми 3бет

19 ДЕКАБРЬ, 1967 Й.



ПОВЕСТЬ-ГИПЮТЕЗА

Ҳа, Вестминстердан ҳеч қандай «Олтин маъбуда» ўғирланмаган, дедим-а? Блетчли—бизда мен уни Эд деб атаяпман, полициядаги айрим кишилар билан шартнома тузиб, кубокни олиб кетган. Бу ҳеч қандай ўғирлик эмас. У фақат электрон машинанинг тавсиясини бажарган, холос.

— Бу ана қандоқ бемаъниялик? Қанақа электрон машина?

— Бу бемаъниялик эмас, мистер Чэпмен. Эсингизда борми, мен сизга жаҳон футболига ёрдам берувчилар лигаси ҳақида гапирган эдим? Ўтган йили шу лига аъзолари жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрилаётган пайтда қаердан ва қандай пул топиш, даромад орттириш йўлларини ҳисоблаб чиқишган эди. Улар бунинг ичидан иғвосичага ўхшашди. Кейин, январнинг охирларида кимдир, электрон-ҳисоблаш машинасини ишга солиб кўришни таклиф қилди. Бир хусусий фирма билан шартнома тузилди, машинага саволлар берилди. Сўзма-сўз айтолмайман-у, лекин савол тахминан шундай эди: Футбол чемпионати шу йили энг машҳур томоша бўлиши ва энг кўп даромад келтириши учун ҳамма тадбирлар кўрилдими? Барча мусобақа ва футбол бирикмаларига ҳақидаги маълумотлар машинага маълум қилинган эди. Тасаввур қилинг-а, машина салбий жавоб берди! Шунда, нима қилиш керак?—деган савол кўндаланг бўлди — Кросби майдонда жилмайди: — Мистер Чэпмен, ҳозга яқин тўппа-тўғри одам шундай савол билан машинага мурожаат қилса, кулгили бўларкан, тўғри эмасми?

— Машина нима деб жавоб берди?

— Ун олти хил вариантни кўрсатди. Албатта, улар орасида ақлга сиғмайдиган даллиллар ҳам бор эди. Масалан, Британия ҳамкасби ўз гуруҳасидаги биринчи матчда 15:0 ҳисобида ютар эмиш!

Чэпмен ках-ках уриб кулиб юборди:

— Бунака нарса етти ухлаб тушига ҳам кирмайди, кишининг.

— Тўғри, аввал машинанинг маслаҳатларидан ҳамма қулоқ. Кейин, кимдир, бир вариант ўхчалик эмон эмаслигини айтди. Биласизми, мистер Чэпмен, бу қандай вариант эди?

— Ўғирлашми?

— Ҳа, «Олтин маъбуда»ни ўғирлаш.—Кросби мана шу нозик дақиқада суҳбатдошининг ишончини қозонганлигини сезиб, енгил тортганлик кресло суянчигига ўзини ташлади. У савол кутаётгандек жим ўтиради.

Чэпмен шошилмай сўради.

— Чиндан ҳам жуда нозик...Лекин сиз бундай аниқ далилларни қаердан биласиз?

— Эд Блетчлидан.

— Шундай денг! Бу ўша, кубокни ўғирлашда айбланган Блетчлими?

(ДАВОМИ. Бошқа газетанинг ўтган сонларида).

— Ҳа, худди ўшанинг ўзи. Биз Гровенор—террас кўчасида ёнма-ён яшаймиз. Мен Эдни болалигидан танийман.

— Лекин, Блетчли бу ҳақда судда лом-мим демади-ку?

— Ҳа, энди бу галвалм иш эдида, мистер Чэпмен. Ўша куни Бау-стритдаги суд биносига бош суқиш амри маҳол эди. «Уэмбли» стадионига финал матчга қанча одам тўпланган бўлса, судга ҳам ўшанча йиғилган эди. Блетчлининг судда ўзини қандай тутганига нима дейсам экан? У кўп ҳам давлатманд одам эмас. Унга шундай катта пуллар ваъда қилишган эдики, Блетчли ўзига қандай буйруқ беришган бўлса, шундай, бамайлихотир жавоб бераверди, гап шу. Мен нимани билсам ўшани ёзганман...

— Буйруқ беришган дейсизми? Ким буйруқ беради?

— Ўша, бу ишни ташкил қилган лига аъзолари. Сизга айтгандим-ку, энг қудратли лига деб... Тушунаяпсизми, мистер Чэпмен, уларнинг режаси мана бундоқ эди. Бойлик орттириш учун эмас, балки яхши ниятда кубокни оқизгил, оддий бир одам ўғирлайди. Лекин тажрибали ишқибозлар томонидан ўғирлик ҳақида гап тарқатилади. Ҳамма оёққа туради. Қидирув бир кун, икки, уч кун давом этади. Йўқолган-маъбуда ҳақида шов-шувлар кучайиб кетади. Футбол ассоциацияси кубокни топган одамга катта мукофот белгилайди. Ҳар куни телевидение кубокни ахтаришга бутун-бутун бир программа ажратади. Ниҳоят, Скотланд-ярднинг тинимсиз изланишлари натижасида «Олтин маъбуда» топилади. Ўғри суд қилинади. Лекин ўғрининг нора ниятни бўлмаганини инобатга олиниб, унга енгил-елпи жазо берилади. Шундан кейин эҳтиросларсусайиб, ҳамманинг кўнгли жойига тушади. Бутун олам диққати олтин кубокка қаратилади. Ҳатто, футболга бир умр қизиқмаган нишилар ҳам билетга буюртма берадилар. Чет эллик туристлар сони юзлаб, минглаб кўпаяди.

Чэпмен шахд билан кўл силтаб, Кросбини гапдан тўхтатди. У столга мушка тушиб музини юмдию, хаёлга чўмди. Чэпмен Британия футбол ассоциацияси ва миллий футбол шаънига доғ туширмаслик учун куйиб-пишган кунларини эслади. «Олтин маъбуда»нинг ўғирланишига газета-журналлар бутун саҳифаларини ажратди. Редакцияга норозилик хатлари оқиб кела бошлади. Газета саҳифалари катта-катта ҳарфларда терилган: «Шармандалик!», «Чидаб бўлмайдиган ҳол!», «Футбол ватани—ўғрилар ватани!», «Британия, уят сенга! Футбол, уят сенга!» деган сўзлар билан тўлиб кетган эди.

Газеталардан бири кесатиб: «Почта поездидан икки ярим миллион фунт стерлинни ўғирлаган қароқчилар ватани, жаҳонда энг олғир ўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади,—деб ёзди. Хатто, Лондондаги «Сан» газетаси ачитиб: «Агар ўғрилар олимпиадаси ўтказилса, Англия барча мукофотларга эга бўларди» деб ёзди.

Ҳақорат ва кесатиқ гапларнинг чеки йўқдек туюларди. Мана, ҳозир ҳаммаси ойнадек равшан бўляпти. Демак, шармандагарчилик олдиндан белгиланган режа билан қилинган экан-да!

Редактор Чэпмен эллик икки ёшга кириб ўз умрида сиёсат соҳасида ҳам, спорт соҳасида ҳам ақл бовар қилмас ишлар рўй берганини кўп кўрган, Лекин у жуда ёшлигиданоқ футболга қаттиқ қизиқар эди. Шунинг учун ҳам футбол соҳасида аччиқ маломатлар рўй беришига чидаб туролмас эди. Айниқса, гап ҳар бир ишқибоз учун муқаддас ҳисобланган жаҳон чемпионати устида бораётган экан, бу яна ҳам азобли эди. Мана энди, Чэпмен ўғрининг қулоғидан тортиб ўртага олиб чиқмани бўлсин!

Эрталаб у газетага ажойиб хабар ёзиб, ҳаммани ҳайратда қолдирмоқчи эди. Эндичи...

Чэпмен Кросбига қаради. Чиндан ҳам у айтиб берган гаплар рост эди. Унга ишонмасликнинг иложи йўқ.

Лекин, Кросбининг ўзи-бу воқеаларда қандай роль ўйнайди экан?

ЎҒРИНИНГ РОСТГЎЙЛИГИ

Кросби қўлларини тиззасига қўйганча кўзларини ерга тикиб ўтирар, унинг бу ҳолати айбига иқрор бўлганлигини кўрсатиб турарди. Чэпмен уни очиқ-ойдин гапиртиришга қарор қилди.

— Менга қаранг, Кросби, сиз яна алланималарни яширяпсиз.

— Ҳа, мистер Чэпмен, тушуниб турибман. Аммо ўз айбинг тўғрисида гапириш жуда оғир бўларкан,

— Нега энди айбингиз тўғрисида бўлсин?

— Аксига олиб,—Кросби чайналиб қолди. Сочиқнинга ҳўрсиниб қўйди, Ранги яна ҳам оқариб, бошини қуйи солди. Унинг қўллари билинар-билинмас қалтирарди.

— Сиз ҳаяжонланманг, воқеа қандай рўй берган бўлса, ўшандайлигича айтиб бераверинг.

— Хўп, хўп мистер Чэпмен, хўп,.. Мен ҳозир.. Балки, магнитофонни ўчириб қўярсиз?

— Кўрқманг, бу полиция маҳкамаси эмас-ку. Бизга ердам бергапларга ҳеч қачон хиёнат қилмаймиз.— Чэпмен ўрнидан турди, деразага яқин келди-ю, Кросбига далда бериш учун майин оҳангда давом этди. — Келинг, шошилмайлик. Кубок ўғирланганидан кейин нималар бўлганлигини бир бошдан эслайлик.

(Давоми бор).

Реклама ва Эълонлар

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

Радиода

19

ДЕКАБРДА СЕШАНБА

Биринчи

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 **Спорт эшиттириши** (ўзбекча).
18.40 **Қўшиқлар ва куйлар.**
19.20 Қоракалпоқ куйлари.
20.00 «Давр синовидан ўтган дўстлик». Иваново радиосининг эшиттириши (русча).
20.10 Хотин-қизлар учун концерт.
20.45 **«Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида»** эшиттириш (ўзбекча).
21.20 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.50 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.15 **Рақсга марҳамат.**
22.40 Ўзбек ҳикоялари антологияси. Мирмуҳсин. «Мона» (русча).
23.10 «Она алласи» деган музикаля-адабий композиция.

Иккинчи

19.00 **Чекистлар байрамига бағишланган адабий эшиттириш** (ўзбекча).
19.30 Кольцов шеърлари ва қўшиқлари.
20.10 СССР халқларининг қўшиқлари.
21.00 Бурҳонов ва Юдаков асарларидан концерт (тожикча).
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

Радиода

20

ДЕКАБРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

8.25 **«Чекистлар, сизлар учун»** деган концерт.
9.30 **Танбурчи Ражабов ва Жўрабековлар ижросида куйлар.**
9.50 **«Революция ғалабаларини қўриқловчилар»** деган суҳбат (тожикча).
10.10 СССР санъат усталари ижросида рус қўшиқлари.
10.30 Ўрта Осиё республикалари халқларининг қўшиқлари.
11.15 **«Совет чекистларининг байрами»** деган эшиттириш (ўзбекча).
11.25 Фортепьяно куйлари.
12.15 Спорт эшиттириши (русча).
12.30 **«Ватан муҳофазаси йўлида»** деган адабий-музикали композиция.
13.30 Эстрада қўшиқлари ва куйлари.
17.00 «ЁШЛИК» радиостанциясининг программаси.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Духовой оркестр концерти.
18.40 Симфоник рақслар.
19.20 Қозоқ куйлари.
20.00 **Мақомлардан парчалар.**
20.45 **«Меҳнат улуғлаган кишилар»** деган эшиттириш (ўзбекча).
21.00 **Чекистларнинг талабларини ижро этамиз.**
21.45 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.50 **«Дунё воқеалари»** (ўзбекча).
22.15 КОНЦЕРТ.
22.40 ПОЭЗИЯ КЕЧАСИ (ўзбекча).
23.20 **Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт** (ўзбекча).

Иккинчи

8.25 Совет қўшиқларидан концерт.
19.00 **Қардош халқлар адабиёти** (ўзбекча).
19.30 Ф. Лист асарларидан концерт.
20.10 Ўзбекистон ССР халқ артисти Шораҳим Шоумаров ҳақида музикали эшиттириш.
20.50 **«Колхида учрашувлари».** Грузия радиосининг эшиттириши (ўзбекча).
21.00 **Тожик куйлари.**
21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

Учинчи

14.00 Моцартнинг симфоник куйлари.
16.00 **«Ҳамза»** операсининг монтажи.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ!

Телевизорда

19

ДЕКАБРДА СЕШАНБА

Биринчи

18.00 Болалар учун. **«Ҳар доим бўлсин онам».**
18.30 **Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театридан санъат усталарининг Ўзбекистон хотин-қизларининг IV съездига бағишланган концерти олиб кўрсатилади.** Танаффусда телевизион янгиликлар.
21.00 Ўзбек тилида телевизион янгиликлар.
21.20 **ВЧК ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган эшиттириш.**
23.00 «ЗАРАФШОН ҚИЗЛАРИ». Тошкент телевидение студияси ишлаган телефильм премьераси.

Иккинчи

Рус тилида:

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Ўқувчилар учун. Эстетикадан машғулот.
18.30 Студентлар учун назарий механика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Эшиттиришлар программаси.
19.50 «Сенга, ёшлик!»
20.20 «ЖАСОРАТ». Телевизион альманах.
21.00 Телевизион янгиликлар.
21.10 Беш йилликнинг иккинчи йили.
21.30 **Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари учун.** «Социализм сиёсий иқтисодидан машғулот».
22.00 К. Федин. **«Чол».** Телеспектакль премьераси.
23.10 **Совет жангчиларига Ватан ҳимоясида.**
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 «Севимли қўшиқчилар» циклидан. СССР халқ артисти Иван Петров ҳақида эшиттириш.
00.45 **«Явани биласизми?».** Спорт эшиттириши.
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

Телевизорда

20

ДЕКАБРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Телевизион янгиликлар.
18.15 Болалар учун. «Опаси Аленушка ва укаси Иванушка». Мультфильм.

Ўзбек тилида:

18.25 Телевизион янгиликлар.
18.40 «Ая» телевизион бадиий фильми.
19.30 «Музика қадрлари ўчоғи». Глинэр номидаги музика мактаби ўқувчиларининг концерти.
20.15 **«Қўринмас фронт» жангчилари».** ВЧК ташкил топган кунга 50 йил тўлиши муносабати билан киноэшиттириш (рус тилида).

МОСКВА КЎРСАТАДИ

21.35 **«Бу—давлатнинг яширин сири эди».** Телевизион кўп серияли бадиий фильмнинг биринчи серияси.
23.30 Телевизион янгиликлар.
24.00 Концерт.
00.50 **«Севги ва пул».** Телеспектакль премьераси.
01.40 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

18.00 **«Менинг шаҳрим денгиз ёқасида». «Голландияда бир неча кун».** Кинофильмлар.
18.35 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. **«Севинг тенгдошларинг».**
19.05 «ЖАНГОВАР 219-ўчи». Кинофильм.
19.50 Бадиий ҳаваскорлар концерти (рус тилида).
21.35 **«ДАВЛАТ ЖИНОЯТЧИСИ».** Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

18.00 Экран — болаларга.
18.20 Телевизион янгиликлар.
18.35 «Сатира ва юмор кечаси».
19.15 «Салом алайкум». Телеочерк.
19.45 Беш йилликнинг 720-куни.
20.10 Телеочерк.
20.40 Лирик тўлқинларда.
20.50 Музикали эфир.
21.15 «Есенинни эслаб». Концерт.
21.45 **ВЧК нинг 50 йиллиги олдидан.** «СИЗНИ КИМ ДЕБ АТАСАМ ЭКАН». Бадиий фильм.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

27, 29, 30, 31 декабрда ва 1, 2, 3 январда

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА ИШТИРОКИДА

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда Гулчеҳра Исмоилова, Раҳима Рихсиева, Манзура Мўминова, Ражаб Исмоилов, Шариф Султонов, Жуманиёз Бойжонов, Жуманиёз Бо. боев, Раҳмон Абдурасулов, Отажон Ражабов, қатнашадилар.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати — Зайтуна Тожибоева олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, маориф ходимлари союзи район комитети, 119-мактаб коллективи 119-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси

Муҳаммаджон АЛИЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти коллективи институтнинг методисти, кекса ўқитувчи

Муҳаммад Мирзаевич АЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—21/XII да **Тўй кунида.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XII да **Нодира.** 21/XII да **Гули сиёҳ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Майдонда москвалинлар». Совет цирки усталари. Совет Иттифоқида якка-ю ягона радио-механик одам—«Робот» иштирокида электрон-иллюзион аттракцион** Билетлар сотилмоқда

Кино театрларда

19 ДЕКАБРДА

Ўчинчи қадам—«ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДЎСТЛИК» (кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч 6.30, 8.30 ва 10.15 минутда).

Сайёд қўнғироғи—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Жин—«ЧАЙКА» (кундуз соат 11-45 минут, 1 ярим ва 3-15 минутда).

Лўли—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 8 да).

Азамат—«ДЎСТЛИК» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 9.40 минутда).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси—«СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Циган—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 6 ва 8 да).

Азамат—«ДЎСТЛИК» (кеч 6 ва 9.40 минутда).

20 ДЕКАБРДА

Ўчинчи қадам — «МОСКВА», «ДЎСТЛИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ярим, 8 ярим ва 10.15 минутда).

Сайёд қўнғироғи—НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Жин—«ЧАЙКА» (кундуз соат 11-45 минут, 1 ярим ва 3-15 минутда).

Лўли—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 8 да).

Азамат—«ДЎСТЛИК» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 9.40 минутда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22 декабрда

Ўзбекистон ва Туркманистон ССР халқ артисти

КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ

туғилган кунининг **50 йиллиги** ва ижодий фаолиятининг **35 йиллигига** бағишланган

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ

Юбилей кечаси кеч соат 6 да бошланади. Кечага таклиф билетлари билан қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

слесарлар, токарлар, фрезерчилар, станочни-дурадгорлар, бош бухгалтер, бухгалтерлар, нормаловчилар, фотографлар, чизувчилар, рассомлар, шоферлар, ончилар, контрольчилар асбобларини текширувчи асбобсозлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Академия шаҳарчаси. Телефонлар Е-6-16-54, Е-6-16-50.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР.

1967 йил 28 декабрь арталаб соат 10 яримда, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг география факультети ҳузуридаги ўлкашунослик кафедрасининг илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (Университет кўчаси, Студентлар шаҳарчаси, физика корпуси, 219-аудитория) — география фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

А. Рўзиев: «Сурхон Шеробод водийсида қишлоқ хўжалигини жойлаштириш ва ривожлантириш масалалари» деган темада.

М. Ёқубов: «Ўзбекистон ССР Фарғона водийсининг жанубий-шарқий районларини ижтисодий-географик ўрганиш» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1967 йил 28 декабрда кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 35-уй, 144-уй) физика-математика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

И. Г. Мақсудов: «Нормалаштирилган мультипликатив ярим группаларда деярли оддий элементларнинг тақсимланиши» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

СУД ЗАЛИДАН

УЛФАТЛАР ҚОРА КУРСИДА

Николай оғир жиноят учун СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 4 январдаги фармонига биноан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Орадан 4 йил ўтгач, ёшлиги инобатга олиниб, қамоқдан бўшатилади.

Бироқ эгри қўл Ростовцев фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига жиноий ишларини давом эттиради. Яна 2 марта қамоқ жазосини ўтаб чиқди.

1967 йилнинг 11 май куни озодликка чиққан Н. Ростовцев «Ҳамкасб» Ринат Галиевич Аксенов билан янги «иш» режасини туза бошлади.

Фрунзе шаҳрига кетаётган Журик 19 августга ўтар кечаси поезд кутиб вокзалда тунаб қолди. Эрталаб тўғонинг қараси, ҳужжатлари йўқ. У саросимага тушиб турганда ёнига бир йигит келди. Ўзини «Эдик» деб таништирди ва ҳужжатларини топиб беришга ваъда қилади.


Улар биргалашиб Салор бўйидаги ошхонага киришди. Бу ерда «Эдик»—Ростовцевни Аксенов кутиб ўтирар эди. Улфатлар Журикни столга таклиф қилиб, спиртли ичимликлар билан «меҳмон» қилдилар.

Журикнинг қайфи ошиб қолганини кўргач, ошхонадан олиб чиқадилар. Будённий кўчасининг хилват жойига олиб бориб кўл соати ва пулларини олиб қочиб бўладилар.

Аммо «қиғир иш»нинг қийғи чиқади» деганларидек шу куниёқ икки улфат қўлга олинди.

Ленин район халқ суди ҳукмида судья М. Аҳмаджонов раислигида бу улфатларнинг жиноий ишини кўриб Н. Ростовцевни қаттиқ режим билан 5 йил, Р. Аксеновни 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ҳ. ТОШХЎЖАЕВ, халқ маслаҳатчилар Советининг раиси.



Пушкин ва Хоразм кўчалари бурчагида қурилиб, фойдаланишга топширилган 7 қаватли бу ҳашаматли бинога алоқа ҳунар техника билим юрти жойлашди.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор—83-02-49 дан; 83-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—83-29-33; 83-29-09; масъул секретарлар—83-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—83-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—83-27-03; адабиёт санъат ва маданият бўлими—83-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—83-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—83-27-57; ахборот бўлими—83-65-57; эълонлар бўлими—83-81-42.

19 ДЕКАБРЬ, 1967 Й. Р. 06995. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3085.